

Аллоҳим, Иброҳимнинг яхшиликларини ёдингда сақла!



08:18 / 27.04.2020 1421

Ҳалол луқма ортидан

Халаф ибн Тамим айтади: «Иброҳим ибн Адҳамдан «Эй Иброҳим, қанча вақтдан буён Шомдасиз?» деб сўрадим. У: «Йигирма тўрт йилдан бери. Лекин бу ерга жанг қилиш ёки кимнидир кўриш учун келмаганман», деди. «Унда нима учун келгансиз?» деб сўрасам, «Ҳалол ризқ учун», деб жавоб берди».

Шафиқ ибн Иброҳимдан ривоят қилинади: «Иброҳим Адҳамнинг ҳузурида эдик, олдимиздан санъолик бир киши ўтиб қолди. Иброҳим: «Бу фалончи эмасми?» деди. Мен: «Ҳа, ўша», дедим. Иброҳим менга: «Унинг олдига бориб, Иброҳим нима учун салом бериб ўтмаганингни сўраяпти дегин», деди. Мен унга етиб олиб, саволни бердим. У киши: «Минг бор узр сўрайман. Фарзанд кўрган эдик. Бисотимда ҳеч вақо йўқ эди. Шунга мажнунларча уйдан чиқиб кетган эдим», деди. Мен Иброҳимнинг олдига бориб, «Аллоҳ кечирсин, қандай қилиб дўстимизнинг бошига муаммо тушганидан беҳабар қолдик?» дедим. Иброҳим: «Эй фалончи, боғ эгасининг олдига бориб, ундан қарзга икки динор олгин-да, бозорга бор. Бир динорига дўстимизнинг эҳтиёжини қоплайдиган нарсаларни оласан, бир динорини эса ўзига берасан», деди. Мен бозорга бориб, ҳамма керакли нарсаларни сотиб олдим. Кейин унинг уйига бориб, эшигини таққиллатдим. Аёли: «Ким?» деди. «Менман. Фалончи борми?» дедим. Аёл:

«Йўқ эдилар», деди. Мен: «Эшикни очиб, четроқ туриб тулинг», дедим. У эшикни очди. Туямга юкланган нарсаларни олиб, ҳовлининг бир четига қўйдим. Кейин аёлга бир динорни бердим. У: «Бу нарсаларни ким берди?» деди. Мен: «Хўжайинингизга биродарингиз Иброҳим ибн Адҳамдан деб айтиб қўйинг», дедим. Аёл: «Аллоҳим, Иброҳимнинг бу яхшиликларини доим ёдингда сақла!» деди».

«Солиҳлар гулшани»

китобидан